

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2020 йил 22 январь 1/16-02-42 /8-сон

**Вазирлик марказий аппарати  
таркибий бўлинмалари  
Адлия органлари ва муассасалари**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 22 январдаги 14-ум-сон “Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумотларни “**av.ijro.uz**” электрон ахборот алмашинуви тизимига киритиб боришингиз сўралади.

Илова: 13 варақда (электрон шаклда).

**Ташкилий-назорат ва таҳлил  
бошқармаси бошлиғи**

**Ў.Назаров**



Ижрочи: М.Каримов  
Тел.: 71-207-04-43



2020 йил “22” январь

№ 14 -ум

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года

**Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш  
бўлимини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш бўйича таъсирчан ва самарали тизимни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида 3 та штат бирлигидан иборат таркибда Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилсин.

2. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги низом 1-иловага, унинг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг айрим таркибий бўлинмалари тузилмасига ҳамда вазирликнинг штатлар жадвалига қуйидаги ўзгартиришлар:

Нодавлат нотижорат ташкилотлари бошқармасидаги 1 та бош маслаҳатчи штат бирлиги қисқартирилсин;

Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармасидаги 1 та бош маслаҳатчи штат бирлиги қисқартирилсин;

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармасидаги 0,5 та етакчи маслаҳатчи штат бирлиги қисқартирилсин;

Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини таҳлил қилиш бошқармасидаги 0,5 та етакчи маслаҳатчи штат бирлиги қисқартирилсин;

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига 1 та бўлим бошлиғи, 1 та бош маслаҳатчи ва 1 та етакчи маслаҳатчи штат бирликлари киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 декабрдаги 372-ум-сон буйруғининг 4, 6, 7 ва 8-иловалари тегишли равишда мазкур буйруқнинг 3, 4, 5 ва 6-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. Кадрлар бошқармаси (Ш.Қўчқаров):

бир ҳафта муддатда Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимини малакали кадрлар билан тўлдириш бўйича вазирлик раҳбариятига таклиф киритсин;

Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси (Д.Халилов), Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари бошқармаси (А.Мадаминов), Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини таҳлил қилиш бошқармаси (Н.Рустамбеков) ва Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси (А.Турдиев) билан биргаликда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда вазирлик марказий ағпаратининг тегишли таркибий тузилмаларига киритилаётган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, чиқарилаётган ва киритилаётган штат бирликлари бўйича зарур ташкилий чораларни амалга оширсин.

6. Молия-иқтисод бошқармаси (Т.Бекбутаев) мазкур ўзгартиришлардан келиб чиқиб, вазирликнинг штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

7. Ишлар бошқармаси (З.Туляганов) бир ҳафта муддатда Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимини алоҳида хона ва зарур жиҳозлар билан таъминласин.


8. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С.Уринбаева) Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорликда тизимда коррупцияни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилишини таъминласин.

9. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў.Назаров) ушбу буйруқни вазирликнинг барча таркибий бўлинмалари эътиборига етказсин.

10. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

Тошкент шаҳри



**Р. Давлетов**

**Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга  
қарши курашиш бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (бундан буён матнда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий тузилмаси бўлиб, бевосита Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига (бундан буён матнда вазир деб юритилади) бўйсунди.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, вазир буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим адлия органлари ва муассасалари фаолиятига коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий қилиш ва уни назорат қилиш бўйича услубий раҳбарлик қилади.

**II. Бўлимнинг вазифа ва функциялари**

4. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш;

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

5. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

*1) коррупцияга қарши курашиш бўйича адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:*

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун адлия вазирига киритади;

Вазирликнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва ички идоравий хужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуктаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

*2) адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:*

адлия органлари ва муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди ва уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади;

адлия органлари ходимлари томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва ўрнатилган тартибда чоралар кўради;

хизмат текширувлари реестрида коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва контрагентларнинг ишончилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

адлия органлари ва муассасалари ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналарнинг иш натижаларини таҳлил қилади ва ходимларнинг коррупциявий хавф-хатарлардан хабардорлигини ошириш мақсадида таҳлилий материалларни манфаатдор шахсларга етказди;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказди;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида адлия органлари ва муассасаларида коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ҳар чоракда ва заруратга кўра адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида вазирга, Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш кенгашига ҳамда Вазирлик Ҳайъатига маълум қилиб боради.

*3) адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:*

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида Вазирликка юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши нормаларга оид қисми бўйича адлия органлари ва муассасалари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимдаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилиши ва уларнинг иштирок этишини назорат қилади;

Вазирлик тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғиботларда иштирок этади;

Вазирликнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

Вазирлик тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартибларига, шунингдек коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига йўл қўйиб берувчи ҳолатлар билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларининг ҳолислиги ва мақбуллиги нуқтаи назаридан Вазирликнинг одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

*4) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:*

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

Вазирлик зиммасига қонун ҳужжатлари билан юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

адлия органлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий жиноятларни бартараф қилиш ёки тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли вакиллариغا кўмак беради.

Бўлим ўз ваколатлари доирасида вазирнинг буйруғига асосан бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6. Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлик тизимидаги ходимлардан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосалар, бирламчи ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни, статистик ва бошқа маълумотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида Вазирлик тизими ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

адлия органлари ва муассасалари раҳбарларига Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, Вазирлик тизими ходимларидан ёзма тушунтиришлар олиш, жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ўз фаолияти доирасида адлия органлари ва муассасаларига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

барча адлия органларининг коррупцияга оид мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этиш, унинг натижаларини белгиланган регламент ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими талабларига мувофиқлиги ҳақида фикр билдириш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Бўлим ходимлари йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс-функцияларни амалга оширувчи ходимларга мўлжалланган ўқишларда таълим олишлари лозим.

8. Бўлим фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлиги Бўлим фаолиятининг ҳамда адлия органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Бўлим фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари Бўлим бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади ва вазир томонидан тасдиқланади.



Бўлим фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат вазир томонидан амалга оширилади.

#### **IV. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш**

9. Бўлимга вазир томонидан тайинланадиган Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим фаолияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида Бўлим бошлиғи ўз фаолиятида бевосита вазирга ва Бўлим ходимлари Бўлим бошлиғига бўйсунди.

10. Бўлим Вазирликка идоравий мансуб бўлинмалар раҳбарларига коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда улар фаолиятига алоқадорликда юклатилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни етказди.

11. Бўлим ходимлари Бўлимга юклатилган вазифаларни вазир томонидан тасдиқланадиган иш тақсимотига мувофиқ амалга оширади.


12. Бўлим ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда адлия органларининг таркибий бўлинмалари билан очиқлик, умумий натижага қаратилганлик, тавсияларнинг ўз вақтида ва тўлиқлиги тамойлларига таянган ҳолда адлия органларининг таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

13. Бўлим ходимлари ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва келишилган лавозим йўриқномаларига мувофиқ олиб борадилар.

14. Бўлим ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги, Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, адлия органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганликлари, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, хизмат мажбуриятларини бажаришда юклатилган ваколатлардан бош тортганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2020 йил “22” январдаги  
14 -ум-сон буйруғига  
2-илова

**Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими  
ТУЗИЛМАСИ**




**Жами:** Бўлимда 3 та штат бирлиги мавжуд, шу жумладан 3 та бошқарув ходими штат бирлиги

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2020 йил “22” январдаги 14-ум-сон буйруғига  
3-илова

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2019 йил 4 декабрдаги 372-ум-сон буйруғига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
Хукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни  
ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси  
ТУЗИЛМАСИ**




**Жами:** Бошқармада 11 та штат бирлиги мавжуд, шу жумладан 10 та бошқарув ходими штат бирлиги.

\* Бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозими айнан ушбу устунга киритилиши шартли бўлиб, вазир буйруғи билан бошқарма бошлиғи ўринбосари тегишли бўлим бошлиғи этиб тайинланиши мумкин. Бунда мазкур тузилмага тегишли ўзгартиришлар киритилиши талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2020 йил “22” январдаги 14-ум-сон буйруғига  
4-илова

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2019 йил 4 декабрдаги 372-ум-сон буйруғига  
6-илова

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нодавлат нотариат ташкилотлари бошқармаси ТУЗИЛМАСИ



**Жами:** Бошқармада 10 штат бирлиги мавжуд, шу жумладан 9 та бошқарув ходими штат бирлиги.

\* Бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозими айнан ушбу устунга киритилиши шартли бўлиб, вазир буйруғи билан бўлим бошлиқларидан бири бошқарма бошлиғи ўринбосари – тегишли бўлим бошлиғи этиб тайинланади. Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши мазкур тузилмага тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилмайди.”

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2020 йил “22” январдаги 14-ум-сон буйруғига  
5-илова

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2019 йил 4 декабрдаги 372-ум-сон буйруғига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини таҳлил қилиш бошқармаси  
ТУЗИЛМАСИ**




**Жами:** Бошқармада 7,5 та штат бирлиги мавжуд, шу жумладан 6,5 та бошқарув ходими штат бирлиги.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2020 йил “22” январдаги 14-ум-сон буйруғига  
6-илова

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг  
2019 йил 4 декабрдаги 372-ум-сон буйруғига  
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ижтимоий-иқтисодий  
соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси  
ТУЗИЛМАСИ**



**Жами:** Бошқармада 15,5 та штат бирлиги мавжуд, шу жумладан 14,5 та бошқарув ходими штат бирлиги.